

## Менга миллиард доллар керак эмас



11:12 / 24 январь 3914

«Мен Худони топиш учун минглаб километр йўл босдим. Мен Уни излардим, У билан ҳаёлан сўзлашардим ва менинг ҳаётимда менга Ўзини кўрсатишини, билдиришини ёлбориб сўрардим. Бир куни ижтимоий тармоқларнинг бирида Қуръони Каримда келган ёмғир ҳақидаги оят ўқиларди. Мен оятни ўқий бошларканман, қандайдир 10 секунд мобайнида уйим деразаси олдида ёмғир ёғиб ўтди... Бу ёмғир бошқа ерда эмас, фақат менинг деразам олдида ёққанди... Тушундимки, мен истаётган саволга Аллоҳ жавоб берган эди.... Мен йиғлай бошладим...

Калимаи шаҳодатни айтар эканман, мендаги ҳис-туйғулар худди миллиард доллар ютиб олган кишидек (ўта хурсанд ва кўтаринки) эди. Агар менга кимдир келиб: **«Сенинг банкдаги ҳисоб рақамингга бир миллиард доллар қўяман. Бунинг эвазига сен одамлар олдида мусулмон эмаслигингни эълон қиласан»** деса, мен унга: **«Менга миллиард доллар керакмас. Мен ҳозир бундан-да бадавлатроқ, бойроқман»**, дея жавоб берган бўлардим».

***Продюсер, режиссёр Жулиан Дрюлон***

Бу шахс Жулиан Дрюлон, ёши 41 да. Продюсер, режиссёр-документалист ва репортёр. Дунёнинг 50 дан ортиқ давлатида бўлган.